



## XALQ DEPUTATLARI QASHQADARYO VILOYATI KENGASHINING QARORI

2021 yil 31 mart

132-22/06 -son

### **Қашқадарё вилоятида ташқи реклама объектларига ташқи рекламани жойлаштириш учун йиғимлар миқдорини белгилаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6 ва 24-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 февралдаги “Ташқи реклама бозорини тартибга солиш тўғрисида”ги 104-сон қарорига асосан Қашқадарё вилоятида ташқи реклама объектлари учун йиғимлар миқдорларини белгилаш мақсадида, халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгаши,

### **Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:**

1. Қашқадарё вилоятида ташқи реклама объектларида (конструкцияларида) ташқи рекламани жойлаштириш (тарқатиш) учун йиғимлар миқдори 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ташқи реклама объектлари (конструкциялари)ни жойлаштириш майдонлари зоналари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 февралдаги 104-сон қарори билан тасдиқланган “Ўрнатилган ташқи реклама объектлари (конструкциялари) учун тўлов миқдорини аниқлаш тартиби тўғрисида”ги Низом билан Қашқадарё вилоятидаги туман ва шаҳарларнинг ҳудудий зоналари коэффицентлари белгиланганлиги инобатга олинсин.

4. Туман (шаҳар) ҳокимликлари мазкур қарор кучга киргандан сўнг иловага асосан белгиланган йиғимлар миқдорига мувофиқ, ташқи реклама объектлари (конструкциялари) эгалари билан 2020 йил учун тузилган шартномаларга тегишли ўзгартиришлар киритсин.

5. Туман (шаҳар) ҳокимликларига:

белгиланган ҳудудда ташқи реклама объектлари (конструкциялари) жойлаштириш учун бериладиган ер участкалари, давлат мулки бўлган бино ва иншоотларни аниқлаш мақсадида доимий равишда хатлов ўтказиш;

ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) тизимли мониторинг қилиш ва уларни қонуний жойлаштирилганлигини ўрганиш;

ташқи реклама объектларида (конструкцияларида) жойлаштирилган рекламалар, шу жумладан ижтимоий рекламалар ҳисобини юритиш;

йўлнинг қатнов қисмида жойлашган аҳоли турар-жой биноларининг ташқи қисмида ҳар қандай турдаги шахсий эълонларни жойлаштирилишига йўл қўймаслик чораларини кўриш;

ушбу соҳада аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари бўйича тегишли чора кўриш учун вилоят Монополияга қарши курашиш бошқармасига таклифлар киритиб бориш вазифаси юклатилсин.

6. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (У.Бутаев) ва туман (шаҳар) ҳокимликлари Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 февралдаги 104-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўрнатилган ташқи реклама объектлари (конструкциялари) учун тўлов миқдорини аниқлаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 1-иловасида белгиланган коэффицентларига мувофиқ йиғимларни ундирилишини ташкил этиш устидан қатъий назорат ўрнатсин.

7. Мазкур қарор “Қашқадарё” ва “Новости Кашкадарьи” газеталарида расмий эълон қилинсин ҳамда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

8. Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашининг 2020 йил 20 июлдаги 38-08/06-сонли “Қашқадарё вилоятида ташқи реклама объектларига ташқи рекламани жойлаштириш учун йиғимлар миқдорини белгилаш тўғрисида”ги қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

10. Ушбу қарор ижроси юзасидан назорат олиб бориш халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси зиммасига юклансин.

**Халқ депутатлари  
Қашқадарё вилоят Кенгаши райси**



**З.Мирзаев**



Халқ депутатлари  
Қашқадарё вилоят Кенгашининг  
2021 йил « март » даги  
106 сонли қарорига  
1- илова

**Қашқадарё вилоятида ташқи реклама объектларига  
(конструкцияларига) ташқи рекламани жойлаштириш учун  
йиғимлар миқдори**

№	Реклама объектларининг турлари	Ўлчов бирлиги	Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва хизматлар учун (бир ойга)
<b>I. Ер участкаларида ўрнатилган алоҳида турувчи конструкциялар</b>			
1.1	кичик форматдаги (2,19 кв.м.гача)	1 кв.м	4 000
1.2	ўрта форматдаги (2,2 кв.м.дан 12 кв. м.гача)	1 кв.м	4 000
1.3	катта форматдаги (12 кв.м.дан 18 кв. м.гача)	1 кв.м	4 000
1.4	ўта катта форматдаги (18 кв.м.дан ортиқ)	1 кв.м	4 000
1.5	ҳажмли-фазовий қурилма	1 кв.м	12 000
1.6	байроқли рекламалар тўплами (композиция)	1 кв.м	4 000
1.7	реклама модулларига эга кўрсаткичлар	1 кв.м	4 000
1.8	умумий майдони 3 кв.м.дан ортиқ афиша деворлар	1 кв.м	4 000
<b>II. Бинолар, иншоотлар ва қурилмалардаги реклама конструкциялари</b>			
2.1	бинонинг ташқи қисмида жойлаштирилган конструкциялар	1 кв.м	4 000
2.2	биноларнинг том қисмларидаги конструкциялар — меъморий шакл (хайкаллар)	1 кв.м	4 000
2.3	майдони 2 кв.м ва ундан ортиқ бўлган йирик конструкциялар	1 кв.м	4 000
2.4	павильонлардаги конструкциялар	1 кв.м	4 000
2.5	кўча мебели, хусусан, реклама модули ўрнатилган ўриндиклар	1 кв.м	4 000
2.6	майдонли тўсиқлардаги конструкциялар	1 кв.м	4 000
2.7	кўприкларда, йўл ўтказгичлар, қувур линиялари, ёритиш тиргакларида ўрнатилган конструкциялар	1 кв.м	4 000
2.8	марказлар	1 кв.м	4 000
2.9	реклама блоклари	1 кв.м	4 000
2.10	проекцияли узатма	1 кв.м	12000
2.11	консоль панеллар	1 кв.м	12000
2.12	имиджли реклама ва ахборот қурилмалари	1 кв.м	12000
2.13	ҳажмли-фазовий қурилма	1 кв.м	12000
2.14	том усти ёруғли реклама конструкцияси	1 кв.м	12000
<b>III. Ташқи реклама вақтинчалик объектлари (конструкциялари)</b>			

3.1	қурилиш майдончаларидаги 2 кв.м ва ундан кўп бўлган вақтинча реклама тўсиқлари	1 кв.м	4 000
3.2	2 кв.м ва ундан кўп бўлган умумий овқатланиш ва савдо нуқталаридаги реклама	1 кв.м	4 000
3.3	вақтинча турдаги киосклар ва павилонлардаги реклама	1 кв.м	4 000
3.4	плакатлар, чодирлар, соябонлар, каноplar, байроқлар, осмабайроқлар, елканли байроқлардаги реклама	1 кв.м	4 000
3.5	ностандарт шаклдаги конструкциялар	1 кв.м	4 000
3.6	промо қурилмалар	1 кв.м	4 000
3.7	алоҳида турувчи ёруғли кронштейнлар		12 000
<b>IV. Ёруғли-диодли мониторлар, электр экранлар (видео экранлар, югурувчи сатрлар дисплейлари ва бошқалар)</b>			
4.1	50 кв.м.гача	1 кв.м	45 000
4.2	51 кв.м.дан 150 кв.м.гача	1 кв.м	25 000
4.3	151 кв.м.дан 300 кв.м.гача	1 кв.м	15 000
4.4	300 кв.м.дан ортик	1 кв.м	8 000

Изоҳ: Ташқи реклама объектларига (конструкцияларига) ташқи рекламани жойлаштириш учун йиғимлар миқдорини ҳисоблашда туман ва шаҳарларнинг ҳудудий зона коэффициентлари қўлланилади.



Халқ депутатлари  
Қашқадарё вилоят Кенгашининг  
2021 йил « 31 » март даги  
сонли қарорига  
2- илова

**Қашқадарё вилоятида ташқи реклама объектлари (конструкциялари)ни  
жойлаштириш майдонлари зоналари**

**1. Қарши шаҳри:**

№	Зоналар	Кўчалар номи	Изоҳ
1	1-зона	Ислон Каримов шоҳ кўчаси, Мустақиллик шоҳ кўчаси, А.Темур шоҳ кўчаси, Насаф шоҳ кўчаси, Бунёдкорлик кўчаси, Хонобод йўли кўчаси, Жайхун кўчаси, Буюк Турон кўчаси, А.Навоий шоҳ кўчаси.	
2	2-зона	Каманди кўчаси, Қарликбоғот кўчаси, Ғузор йўли кўчаси, Шаҳрисабз кўчаси, Бешкент йўли кўчаси, Косон йўли кўчаси, Самарқанд кўчаси.	
3	3-зона	Бошқа ички кўчалар.	

**2. Шаҳрисабз шаҳри.**

№	Зоналар	Кўчалар номи	Изоҳ
1	1-зона	Ипак йўли кўчаси.	
2	2-зона	Бошқа ички кўчалар.	

**3. Бошқа туманлар.**

№	Зоналар	Кўчалар номи	Изоҳ
1	1-зона	Туман марказидаги кўчалар.	
2	2-зона	Бошқа ички кўчалар.	

Изоҳ: Иккита икки хил зонага кирган кўчалар чорраҳасида жойлаштирилган объектлар зонаси юқорироқ бўлган зона ставкаси бўйича ҳисобланади.